



МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Равшанов Захриддин Ибрагимович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация. Ушбу мақолда умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматлар самарадорлиги ушбу соҳанинг иқтисодиётдаги ўрнини қай даражада ривожланаётганлигига алоҳида эътибор берилган. Умумий овқатланиш корхоналари фаолиятида эришилган фойда бу самарадорликнинг аҳамиятли томонлари ёритилган. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида овқатланиш хизматларини тўғри йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кўп томонлама шерикликни янада кенгайтириш масалалари бўйича таклифлар ва тавсиялар берилган. Кадрлар тизимини қайта кўриб чиқиш масалалари асосий вазифа сифатида кўрсатилган.

Калит сўзлар: овқатланиш, озиқ – овқат, умумий овқатланиш, иқтисодиёт, овқатланиш хизматлари, миқоз, хизмат.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОДОВОЛЬСТВЕННЫХ УСЛУГ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

Равшанов Захриддин Ибрагимович

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье особое внимание уделяется тому, насколько эффективность предоставляемых услуг в предприятиях общественного питания развивает место этой отрасли в экономике. Выделены значимые аспекты прибыли и эффективности деятельности предприятий общественного питания. Были даны предложения и рекомендации по вопросам дальнейшего расширения многостороннего партнерства для правильного становления и развития сферы общественного питания в развитии экономики нашей страны. В качестве основной задачи обозначены вопросы пересмотра кадровой системы.

Ключевые слова: общественное питание, питание, общественное питание, экономика, услуги общественного питания, заказчик, услуга.

ISSUES OF INCREASING THE EFFECTIVENESS OF FOOD SERVICES IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY

Ravshanov Zakhriddin Ibragimovich

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. In this article, special attention is paid to the extent to which the efficiency of services provided in public catering establishments is developing the place of this sector in the economy. The significant aspects of the profit and efficiency in the activity of catering enterprises are highlighted. Proposals and recommendations on the issues of further expansion of multilateral partnership for the proper establishment and development of catering services in the development of the economy of our country were given. Issues of revision of the personnel system are indicated as the main task.

Key words: catering, nutrition, catering, economics, catering services, customer, service.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобаллашув, кескин рақобатчилик ва овқатланиш маҳсулотларининг етарли эмаслиги, бугунги куннинг энг катта муаммоларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотларининг маълумотларига кўра, беш ёшгача бўлган болалар ўртасида тахминан 9,5 миллиони нобуд бўлган, уларнинг учдан икки қисми бир ёшгача бўлган болалардир. Нотўғри овқатланиш, овқатланиш маҳсулотларининг етишмаётганлиги болалар ўлимининг камида 35 фоиз ҳолати билан боғлиқ. Ривожланаётган мамлакатлардаги беш ёшгача бўлган болаларнинг тахминан 32 фоизи бўй ўсишидан орқада қолмоқда ва 10 фоизи заифлашган (UNICEF, 2020).

2019 йил охиридаги ҳисоб-китобларга кўра, 690 млн. киши, яъни дунё аҳолисининг 8,9 фоизи COVID-19 пандемиясидан олдин етарли даражада овқатланмаган. 2014 йилдан бери дунёда очликдан азият чекаётганлар сони аста-секин ўсиб бормоқда. 2019 йилги янги ҳисоб-китобларга кўра, тўйиб овқатланмайдиганлар сони 2014 йилдан бери 60 миллионга кўпайган. Агар бу тенденция давом этса, сайёрамиздаги оч одамлар сони 2030 йилга келиб 840 миллиондан ошади. Бундан келиб чиқадики, COVID-19 пандемияси туфайли оч одамлар сонининг кўпайиши эҳтимолини ҳисобга олмаганда ҳам, дунё ўз вақтида ноль очликка эришишга улгурмайди. Глобал иқтисодий ривожланишнинг сўнгги прогнозларига асосланиб, 2020 йилда COVID-19 таъсири натижасида етарли овқатланишсиз одамлар сони 83-132 миллионга кўпайиши мумкин. Очликнинг ошиши истеъмол қилинадиган озиқ-овқат миқдори ва сифатини пасайтиришга мажбур бўлганлар сонининг кўпайиши билан бирга келади. 2019 йилда икки миллиард одам оч қолди ёки етарли миқдордаги тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди - бу дунё аҳолисининг 25,9%ни ташкил этади (UNICEF, 2020).

Бутун дунёда аҳоли сонининг ўсиши табиий ресурслар ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни ортишига ҳамда табиий соф овқатланиш хизматларига бўлган эҳтиёжни кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида мавжуд ресурслардан оқилона, илм-фан соҳаларига таянган ҳолда, инновацион технологиялар асосида фойдаланишни тўғри ташкил этиш орқали эришишни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Миллий иқтисодиётимизни бир бўғини ҳисобланган овқатланиш хизматларини аҳолининг талаблари даражасида етказиб бериш ҳамда ушбу маҳсулотларни sanoat асосида қайта ишлаш муаммолари билан етакчи хорижий ва мамлакатимиз олимлар томонидан тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан: Анищенко (2013) ҳудудлар кесимида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари, Жондарев (2001) хўжалик тизимларини иқтисодий хавфсизлиги, Кайгородцев (2006) Қозоғистон Республикасини иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлиги, Крылатых, Мазлова (2016) интеграция шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги ва бошқаларнинг асарларида мамлакат иқтисодий хавфсизлиги, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини глобал, миллий ва ҳудудий даражада баҳолаш ва таъминлашнинг назарий ҳамда услубий шу билан биргаликда амалий жиҳатлари батафсил ёритилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Саидова, Рустамова, Турсуновларнинг (2016) “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” номли ўқув қўлланмасида аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлигининг иқтисодиётни барқарорлигини таъминлашдаги ўрни, аграр сиёсат ва ислохотларнинг моҳияти, мақсади ва тамойиллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли, озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашнинг назарий-услубий асослари, хорижий мамлакатларда уни таъминлаш бўйича эришилган ютуқлар, тажрибалар, аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодиётини тартибга солиш даражаси ва усуллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда

инновацияларнинг ўрни ҳамда мамлакатимизда озиқ-овқат таъминоти ва бошқа муҳим масалалар ёритилган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга оширишда овқатланиш хизматларининг миллий иқтисодийнинг бир бўғини сифатидаги ривож молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини иқтисодий-математик усуллар орқали таҳлил қилиш натижасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган. Бундан ташқари илмий тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез усулидан ҳам самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда биргина Ўзбекистонда ҳар йили 3 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари чиқиндига айланмоқда. Тошкент шаҳрида ҳар куни 2 тоннага, йилига 730 тоннага яқин нон маҳсулоти чиқиндига ташланади. 2019 йилда дунёда 1,64 миллиард тонна озиқ-овқат чиқиндига айланган. Қайд этилишича, йўқотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг фақатгина 25 фоизи бутун дунёдаги очлик муаммосини тўлиқ ҳал қилиши мумкин¹⁵⁵.

Шуни эътироф этиш жоизки, дунё аҳолисининг 48 фоизи ёки 3,7 миллиард нафари озиқ-овқатдан муаммоси бўлмасада, камбағаллик даражасида истиқомат қилади. Агар халқаро меъёрлар асосда қарайдиган бўлсак, дунё аҳолисининг 2022 йил 1 январь ҳолатига бир суткада истеъмол даражаси 2 АҚШ долларидан кам бўлган камбағаллик чегарасидаги аҳоли сони 3,7 миллиард кишини ёки умумий аҳолининг 48 фоизини ташкил қилади. Бу камбағаллик чегарасидаги аҳоли қатлами ҳисобланади. Бир суткада яшаш даражаси 2 АҚШ долларидан кўп бўлган, камбағаллик чегарасидан чиқиб яшаётган аҳоли 4,1 млрд кишини ёки дунё аҳолисининг 52 фоизини ташкил қилади. Камбағаллик чегарасидан чиқаётган аҳолининг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Аммо камбағаллик чегарасидаги аҳоли қатламининг улуши кўплигича қолмоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2015 йилдан 2019 йилгача ҳамда 2020 йиллар оралиғида озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг бажарилиши 8,0 фоиздан 9,3 фоизгача кўтарилди ва бу кўрсаткич 2021 йилда 9,8 фоизгача ошишда давом этди. Биргина 2021 йил давомида бутун дунёда 702 миллиондан 828 миллионгача оч одам бор эди¹⁵⁶. COVID-19 пандемияси бошлангандан бери уларнинг сони тахминан 150 миллионга кўпайди: 2019-2020 йилларда 103 миллионга, 2021 йилда эса яна 46 миллионга кўпайди. Ушбу кўрсаткичларнинг мисли кўрилмаган даражада кўпайишига кейинги йилларда кузатилаётган табиат ҳодисалари ҳамда ички зиддиятларни келтириш мумкин.

Бугунги кунда бутун дунёда содир бўлаётган ижтимоий – иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таснифлаш ва бошқаришнинг энг муҳим воситаларидан бири бу статистик маълумотларга таянган ҳолда фаолият олиб боришдир. Бутун дунё аҳолисининг яшаш шароитларини тўғри баҳолаш учун унинг статистик маълумотларига мурожаат қилинади.

Мамлакатимизда 2023 йил 1 апрель ҳолатига умумий овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 24887 тани ташкил этиб, 2022 йил 1 апрель ҳолатига нисбатан 5432 тага камайди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 82,1 % ни ташкил этган). Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 177 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 24710 тани ташкил қилди¹⁵⁷.

¹⁵⁵ <https://brmnnt.uz/uz/newid/106>

¹⁵⁶ Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных Наций Международный фонд сельскохозяйственного развития | Детский фонд Организации Объединенных Наций Всемирная продовольственная программа | Всемирная организация здравоохранения Рим, 2022.

¹⁵⁷ <file:///C:/Users/User/Downloads/Iste'mol%20bozori.pdf>

2023 йилнинг январь-март ойларида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2 664,3 млрд. сўмга етди ва 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 4,6 % га ошди. Бунда жами савдо айланмасининг 73,2 % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Худудлар кесимида умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси ўсиш суръатлари, % да Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмасида юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳри (107,5 %), Наманган (107,0 %) ва Андижон (105,6 %) вилоятларида кузатилди¹⁵⁸.

Юқоридаги маълумотлардан куришиб турибдики, умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматлар самарадорлиги ушбу соҳанинг иқтисодийдаги ўрнини қай даражада ривожланаётганлигидан далолат беради. Умумий овқатланиш корхоналари фаолиятида эришилган фойда бу самарадорликдир. Бу эса ўз навбатида овқатланиш хизматлари самарадорлигини оширишни тақозо қилади.

Хулоса ва таклифлар.

Фикримизча мамлакатимиз иқтисодиёти ривожда овқатланиш хизматларини тўғри йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кўп томонлама шерикликни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ булар эди. Бунинг учун:

- иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири сифатида ўз фаолиятини бошлаган ва бошлаётган овқатланиш корхоналари ходимларини касбга ўқитишни тўғри ташкил қилиш;

- “Бир-бирини тўлдирувчи нуқталарни топиш” тамойили асосида овқатланиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни ривожлантириш;

- қўшни ҳамда ўзаро ҳамкор давлатлар ўртасида озиқ – овқат маҳсулотлари, товарлар ва хизматларнинг эркин айланишини таъминлаш, банклараро алоқаларни ва молиялаштиришни кенгайтириш;

- минтақаларимизнинг транспорт йўлакларини кенгайтириш ва транзит салоҳиятини ошириш, ўзаро иқтисодий ҳамкорлигимизни янада жадаллаштириш.

- қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларига бой “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш.

Шу билан биргаликда 2022 йилнинг 14 апрелида адлия вазирлиги томонидан тадбиркорларнинг умумий овқатланиш соҳасидаги фаолияти таҳлил қилинди. Қайд этилишича, ўрганиш давомида давлат идораларининг статистик ва бошқа маълумотлари ва 2,1 мингдан ортиқ умумий овқатланиш корхоналари вакиллари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида соҳага оид бир қатор муаммолар аниқланди. умумий овқатланиш хизматлари фаолиятини бошлашда респондентларнинг деярли 1/3 қисми солиқ қонунчилигини тушуниб олишда қийналишган. Мазкур омиллар эса, ўз навбатида, соҳадаги яширин иқтисодиётнинг улуши юқори (30–40 фоиз) бўлишига олиб келмоқда¹⁵⁹.

Олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мижозларнинг овқатланиш корхоналари (кафе, ресторан, бар)га яна келиш ёки келмаслиги унга кўрсатилган хизматнинг яхши ёки ёмонлигига боғлиқ. Биринчи марта мижозларни яхши реклама, бой жиҳозлар ёки кенг турдаги таомномалар билан жалб қилиш мумкин. Аммо иккинчи марта мижозлар ходимларнинг малакали ишлаши ва олдин унга кўрсатилган хизмат сифатининг юқорилиги учун келади. Агар хизмат кўрсатиш корхонасини уни ривожланиш динамикаси нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, овқатланиш корхонаси фаолиятига таъсир кўрсатишини кўриш мумкин. Демак, ўз – ўзидан овқатланиш хизматлари ходимларининг касбга ўқитилиши натижасида яширин иқтисодиётнинг

¹⁵⁸ file:///C:/Users/User/Downloads/Iste'mol%20bozori.pdf

¹⁵⁹ <https://www.gazeta.uz/uz/2022/04/14/public-catering/>

улушини камайишига, иш билан банд аҳоли қатламининг сезиларли даражада ортишига ортишига олиб келади.

Адабиётлар / Литература/Reference:

UNICEF, (2020) www.unicef.org/reports/UNICEF-WHO-low-birthweight-estimates-2019; www.who.int/nutrition/publications/UNICEF-WHO-lowbirthweightestimates-2019; UNICEF. 2020.

UNICEF. (2020). Положение дел в области продовольственной безопасности и питания в мире. 2020 г. www.unicef.org/reports/UNICEF-WHO-low-birthweight-estimates-2019; www.who.int/nutrition/publications/UNICEF-WHO-lowbirthweigh-testi-mates-2019;

Анищенко А.Н. (2013) Оценка продовольственной безопасности региона // Проблемы развития территории. №4 (66). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-prodovolstvennoy-bezopasnosti-regiona>.

Бауэрсокс Д.Д., Клосс Д.Д. Логистика: интегрированная цепь поставок / Перевод с англ. М: ЗАО "Олимп-Бизнес", 200

Жондарев А.М., Петров А.А. (2001) Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. Под общ. Ред. А.В.Колосов. – М.: изд. РАГС.

Кайгородцев А.А. (2006) Экономическая и продовольственная безопасность Казахстана. Вопросы теории, методологии, практики. – Усть Каменегорск, – 384 с.

Крылатых Э.Н., Мазлова В.З., Межонова Н.В. (2016) Национальная экономика: обеспечение продовольственной безопасности в условиях интеграции: Монография /– М.: НИЦ ИНФРА-М, – 238 с.

Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. (2016) Аграр сийсат ва озиқ-овкат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: "ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси" босмахонаси нашриёти, – 257 б.

Янги ва қайта ишланган маҳсулотларни сотиш бозорларидаги маркетинг изланишлар. Ўқув қўлланма/ М.Х.Саидов, И.Б.Рустамова. – Т.: 2018. – 120 б.